Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 18 (5615).
Баҳоси: обунага 16 тийин, сотувда 60 тийин.

«МАЪРИФАТ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ДЕПСИНГАНГА ТУРТКИ КЕРАКМИ?

Биз келажагимиз мактабда деб қарор эканмиз, бугунги кунда камол топаётган ёш авлод тўғрисида, ўғил-қизлар таълим-тарбиясининг бош мутасаддиси ўқитувчи ва тарбиячилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш энг муҳим вазифалардан бўлмоғи керак. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари эълон қилиниб, бозор иқтисоди шароитида халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари белгиланди. Бироқ, бу муҳим ҳужжатлар ҳамма жойда ҳам изчил амалга оширилаяпти, деб айта олмаймиз. Айрим вилоят ва ноҳияларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар буни равшан кўрсатиб турибди.

Рўзномамизнинг шу йил 28 январь сонида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга Фарғона вилояти Охунбобоев ноҳияси ўқитувчи ва тарбиячиларидан «Ёруғ кунлар келишига ишонамиз!» сарлавҳали Очиқ хатда ҳам жойларда Ўзбекистон ҳукумати қарорларини бажаришда сусткашлик қилинаётганлиги ошкора айтилди. Шунинг учун ҳам бу Очиқ хат жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида халқ таълими ходимлари томонидан кенг қўллаб-қувватланиб кутиб олинди. Шу кеча-кундузда газетамиз таҳририятига келаётган кўплаб хатларда ана шу туйғулар ўз ифодасини топаётир. Фақат 10—11 февралда рўзнома таҳририятига келган бундай хатлар 60 дан ошди. Улар орасида Нурота ноҳиясидаги 18-мактаб, Ғиждувон ноҳиясидаги 11-мактаб, Пешқў ноҳиясидаги Наримонов номли мактаб, Ғузор ноҳиясидаги 28-мактаб, Жалолқудуқ ноҳиясидаги 14-мактаб ва бошқа жамоалар, таниқли ўқитувчилар, мутахассисларнинг мактублари бор.

Ҳа, бугунги демократия ва ошкоралик даврида дардингни айтсанг, тингловчилар бор. Очиқ хат чоп этилганидан кейин Фарғона вилоятида ҳам фармонлар ижросига жиддий киришилди. Очиқ хат муҳокама қилиниб, аҳвол атрофлича ўрганилиб, аниқ тадбирлар белгиланди.

Рўзномамизнинг шу йил 8 февраль сонида эълон қилинган халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши президиумининг раиси Ғ. Фозиловнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратига ахборотномасида бажарилган дастлабки ишлар қайд этилди. «Охунбобоев ноҳиясида аризасига кўра айрим сабаблар билан ер участкаси ололмаган 143 нафар ўқитувчига 18,96 гектар ер, уй қуриш ва бошқа мақсадлар учун 31 ўқитувчига 221 минг сўм ссуда маблағи, 82 минг 200 дона пишиқ ғишт, 157 тўп шифер, 146 кубометр тахта, 159 кубометр ёғоч материаллари вилоят томонидан ажратишга қарор қилинди», — дейилади ахборотномада. Офарин, бажарса бўларкан-ку!

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини бажариш юзасидан Охунбобоев район Кенгашининг тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Бу ҳужжатда халқ таълими ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларга берилган барча имтиёзларни рўёбга чиқариш, мактабларда ўқувчилар овқатланишини яхшилашнинг аниқ ижро-режалари акс этган. Шунинг учун Тадбирларни намуна сифатида рўзномамизда эълон қиляпмиз ва ўйлаймизки, бошқа вилоят, ноҳия Кенгашлари ҳам ана шундай иш режаларини ишлаб чиқиб, Президент фармонларининг бажарилиши юзасидан «Маърифат» рўзномасига ахборотномалар йўллайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОХУНБОБОЕВ РАЙОН КЕНГАШИ

ТАДБИРЛАРИ

1. Халқ таълими ходимларини ҳар ойнинг 19—27 кунлари белгиланган тариф ва тоифалар асосида маош ва купон карточкалари билан таъминлаш.

Бажаради: РХТБ, молия бўлими, агробанк.

Муддати: ҳар ойда маош билан бирга.

3. Иқтисодий қийналган ва кўп фарзандли ўқитувчи ҳамда ходимларга белгиланган тартибда моддий ёрдам бериб бориш.

Бажаради: РХТБ, халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси, оталиқ ташкилотлари.

Муддати: йил давомида.

4. Хўжаликлар ҳисобидан ўқитувчи ва тарбиячиларга устама иш ҳақи тўлаш масаласини кўриб чиқиш.

Бажаради: давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари.

Муддати: 1992 йилнинг февраль ойи.

5. Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг иш хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни мактабларни ўзида нон маҳсулотлари билан таъминлаш.

Бажаради: нон комбинати, район матлубот жамиятлари уюшмаси.

Муддати: ҳар куни.

6. Халқ таълими ходимларини белгиланган тартибда купонсиз сотиладиган маҳсулотлар билан норма асосида таъминлаш.

Бажаради: район матлубот жамиятлари уюшмаси.

Муддати: йил давомида.

7. Ўқитувчи ва тарбиячиларга кийим-кечак, камёб ва эҳтиёж моллари сотишнинг бажарилишини аниқ ҳисобга олиб бориш ва таъминлашга эришиш.

Бажаради: район матлубот жамиятлари уюшмаси, район план комиссияси, халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси.

Муддати: йил давомида.

8. Якка тартибда уй қуриш учун ер олган халқ таълими ходимларини белгиланган тартибда қурилиш материаллари билан таъминлаш ва алоҳида ҳисобини олиб бориш.

Бажаради: қишлоқ Кенгашлари.

Муддати: йил давомида.

9. Мактаблардаги ўқувчилар ошхоналарини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ўқитувчилар овқатланишлари учун шароит яратиш.

Бажаради: умумий овқатланиш корхонаси, халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси.

Муддати: доимий.

10. Ўқитувчи ва бошқа педагогик ходимларга имтиёзлар бериш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тўлиқ бажариш.

а) Давлат ва ташкилот уйларини шахсий мулк этиб олишга ариза берган 104 ўқитувчи аризасини ҳал қилиш.

Бажаради: район ижроия қўмитаси, ташкилот раҳбарлари, халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси район қўмитаси.

Муддати: 1992 йилнинг 1-ярим йиллигида.

б) Уй қуриш учун белгиланган миқдордан кам ер олган ўқитувчи ва бошқа педагогик ходимларга қўшимча ер ажратиш масаласини кўриб чиқиш.

Бажаради: А. Раҳмонов номли, Фрунзе номли, Калинин номли, «Совет» жамоа хўжаликлари, қишлоқ Кенгашлари.

Муддати: 1992 йил 1 апрелгача.

в) Уй қуриш учун ер сўраб ариза берган 135 ва томорқасини кенгайтиришни сўраган 44 ўқитувчи аризаларини кўриб чиқиш ва тегишли тартибда ҳал қилиш.

Бажаради: хўжалик раҳбарлари, қишлоқ кенгашлари.

Муддати: 1992 йил 1 апрелгача.

г) Ўқитувчиларга белгиланган миқдорда дон маҳсулотлари бериш.

Бажаради: А. Раҳмонов номли, А. Ниёзов номли, Алигавҳаров номли, Фрунзе номли ва «Победа» жамоа хўжаликлари.

Муддати: 1992 йил 10 февралгача.

д) Ўқитувчи ва бошқа халқ таълими ходимлари хўжаликларидаги чорва молларини ем-хашак билан таъминлаб бориш.

Бажаради: давлат ва жамоа хўжаликлари, қишлоқ Кенгашлари.

Муддати: йил давомида

е) Халқ таълими ходимларига жамоа ва давлат хўжалиги аъзолари қатори чорва моллари сотишни ташкил қилиш.

Бажаради: давлат ва жамоа хўжаликлари.

Муддати: йил давомида.

ё) Уй қуриш ва қорамол сотиб олиш учун қарз сўраган 50 ўқитувчига қарз (ссуда) бериш.

Бажаради: жамғарма банки.

Муддати: 1992 йилнинг 1-ярми.

ж) Электрдан бепул фойдаланишни йўлга қўйиш, счетчик кўрсатувига қараб маблағ билан таъминлаш, вақтида расмийлаштириш.

Бажаради: электр тармоқлари идораси, қишлоқ Кенгашлари, РХТБ, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари.

Муддати: 1992 йилнинг июнь, декабрь ойлари.

з) Табиий газдан бепул фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг абонент дафтарчасига асосан маблағ билан таъминлаш ва расмийлаштириш.

(Давоми 2-бетда).

Новатор ўқитувчиларимиз

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Узоқбой Мислибоев Самарқанд вилоятининг Пайариқ ноҳиясидаги 49-тўлиқсиз ўрта мактабининг олий тоифадаги биология фани муаллими. У Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, методист-ўқитувчи бўлиш билан бирга камтаринликда, одамийликда мактаб жамоаси ҳурматини қозонган бағри кенг инсон.

Ўз умрининг 37 йилини болалар таълим-тарбиясига бағишлаган халқ таълимининг чин фидойиси тинимсиз меҳнат қилиш, ўқиш, изланиш орқасида катта тажриба тўплади. Эндиликда унинг иш тажрибасини ўрганишга узоқ-яқиндан ўқитувчилар, методистлар келишаётир. Айни пайтда У. Мислибоев ноҳия ва вилоят ўқитувчиларининг турли анжуманларида — кўрик-танловларда, педагогика ўқишларида, семинар-кенгашларда фаол иштирок этиб, ўз тажрибаси билан ўртоқлашмоқда.

Ижодкор ўқитувчи Узоқбой Мислибоевнинг иш тажрибаси ҳақидаги мақолани рўзноманинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

Фармон ва ижро

МЕҲНАТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЯПТИ

Бозор иқтисоди муаммолари тобора кенг қулоч ёзган сари ўқитувчиларнинг ҳам, умуман, фарзандларга таълим бериш йўлида ўзини масъул деб билган барча мутахассисларнинг ҳам ташвишлари тобора ортиб боряпти. Бироқ жумҳурият раҳбарияти келажакка тамал тошини қўйувчилар ҳалқ мактабда эканлигини тўғри англаган ҳолда муаллимларга бир талай имтиёзлар бериш, хусусан, уй-жой, газ ва электр энергиясидан бепул фойдаланиш ва шунга ўхшаш бир қатор имтиёзларни яратиб берди. Аммо бу имтиёзлардан ҳамма муаллимлар ҳам манфаатдор бўлишаяптими?

Келинг, яхшиси бу хусусда Қашқадарё вилояти Яккабоғ ноҳияси халқ таълими бўлимининг мудири Йўлдош Нормуродов билан мухбиримизнинг қилган суҳбатини фикрингизга ҳавола этсак.

— Йўлдош ака, ўқитувчиларга берилаётган имтиёзларнинг ижроси ҳақида матбуотлар ҳам, ойнаинжаҳон ва радиолар ҳам фақат ижобий фикрларнигина билдиришмоқда. Афсуски, кузатишлар натижаси баъзан унинг аксини ҳам кўрсатаяпти. Сиз раҳбарлик қилаётган ноҳия халқ таълимида бу ишларни кўнгилдагидек деса бўладими?

— Фикримни баён этишдан олдин бир мисолга алоҳида тўхталишни истардим. Яқинда Тошкентда бўлганимда, хорижлик бир ўзбек фермер билан танишиб қолдим. Ўз юртидан Ўзбекистонга келиб, қондошлари билан яқиндан алоқада бўлишни мақсад қилган экан. Фикрини тегишли кишиларга билдириб, мақсад сари интилса, бу ердагилар ҳали у корхонага, ҳали бу раҳбарнинг рухсатисиз ишга киришиш мумкин эмаслигини рўкач қилиб, яхши ният билан келган кишининг мақсадини рўёбга чиқармасликка интилишибди...

Мен бу билан нима демоқчиман? Афсуски, бизда ҳанузгача столни маҳкам «қучоқлаб» мустақил фикр юрита олмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Давр ўзгарди, энди эскичасига яшаб бўлмасликни шароитнинг ўзи тақозо қилмоқда. Хайриятки, бу борада бизда, гарчи оғиз тўлдириб айтадиган даражада бўлмаса-да, анчагина ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Яккабоғ ноҳия халқ таълими бўлими маҳаллий кенгашлар ва молия-хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Президенти фармонларининг бажарилишини таъминлашда, ўқитувчи ва бошқа ходимларнинг моддий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш борасида ўрнак олса арзигулик даражадаги ишларни амалга ошираяпти. Масалан, ноҳия халқ таълими бўлими тармоқ касаба уюшмаси билан ҳамкорликда шу кунга қадар давлат уйларида яшовчи 102 оиладан 64 нафарига ящаб турган уйларини шахсийлаштиришга ёрдам берди. Шунингдек, шахсий уй-жой қуришга эҳтиёжи бўлган 175 нафар муаллимларга ҳам ер участкаси ажратиб берилди. Булардан ташқари, ноҳиямиздаги барча қишлоқ шўролари ўз қарамоғида бўлган ўқитувчиларни электр қувватидан тегишли миқдорда фойдаланишга имкон яратиб берди.

Шунинг билан бирга, ишимиз жойида, дейиш қийин. Ҳали зудлик билан амалга оширилиши керак бўлган муаммоларимиз талайгина.

— Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари кўтарилиши муносабати билан иш тақсимотида баъзи муаммолар ҳам бўлгандир?

— Бу саволга мен бир оғиздан йўқ, деб жавоб қилган бўлардим. Чунки бизда ўқув йилининг бошидаёқ навбатдан ташқари ўтказилган аттестациянинг ўзи масалани узил-кесил ҳал қилиб қўйди.

(Давоми 2-бетда).

ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Талабалар — бўлажак мутахассислар. Талабалар — келажак эгалари. Мустақил жумҳуриятимизнинг равнақи, истиқболи чўнг маънода, талабанинг қандай билим олишига боғлиқ. Шундай дейсиз-у, лекин, уларнинг яшаш шароитлари, ижтимоий ҳимояси масаласи сўнгги ўн йилликлар давомида муттасил равишда эътибордан четда қолиб келди. Тўғри, талабанинг ночор аҳволи, ётоқхоналардаги етишмовчиликлар тўғрисида матбуотда жуда кўп мақолалар эълон қилинди, радио ва ойнаинжаҳонда эшиттириш ва кўрсатувлар бериб борилди. Лекин, талабалар ҳаётида деярли ижобий ўзгариш бўлмади.

Неча-неча йиллик эътиборсизлиқ лоқайдликлар қўшилиб, талабалар шаҳарчасида 16 январь воқеаси келиб чиқди.

Бизга Тошкент техника дорилфунуни хўжалик ишлари бўйича проректори А. А. Низомиддинов эндиликда талабаларга яратилаётган қулайликлар тўғрисида қуйидагиларни гапириб берди:

— Айни кунларда эртанги истиқболимиз эгалари бўлган талабаларга етарли даражада шарт-шароитлар яратиб бериш учун улар яшайдиган ёки ўқийдиган жойларни созлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳри бош қурилиш бошқармаси ҳамда колхоз қурилиши ташкилотлари талабалар шаҳарчасида жойлашган ётоқхоналарни тўлиғича созловдан чиқариш билан биргаликда бир қатор маданий-маиший хизмат кўрсатувчи жойлар бунёд этиш ишларини ҳам бошлаб юборишган.

Шу кунларда амалга оширилаётган яна бир диққатга сазовор янгилик — шаҳарчада турли хил кичик корхоналарнинг ташкил этилаётганидир. Бу кичик корхоналарда талабалар ўз соҳалари бўйича бўш вақтларда компьютерлар билан ишлашлари мумкин. Бу тадбир бозор шароитида талабаларни бир қадар иҳтимоий ҳимоя қилиш имкониятини туғдиради.

Талабаларнинг яхши яшашлари, билим олишлари, дам олишлари учун бу ердаги ҳамма ётоқхоналарнинг биринчи ва охирги қаватлари фақат маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш хоналари вазифасини бажаришга мослаштирилмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, энди талабалар шаҳарчасидаги ҳамма ётоқхоналар фақат Тошкент давлат дорилфунуни ва Тошкент техника дорилфунуни талабалари ихтиёрида бўлади. Шаҳарчадаги марказий кўчанинг чап қўл томонидаги ётоқхоналарга Тошкент давлат дорилфунунининг талабалари, ўнг қўл томонига эса техника дорилфунунининг талабалари жойлашишади. Энди ётоқхоналардаги ҳар бир хонага бир-икки нафардан ортиқ талаба қўйилмайди. Бу эса уларнинг ўқишлари, ижод қилишлари учун энг асосий қулайликдир.

З. УСМОНОВА.
мухбиримиз.

МИННАТДОРМИЗ

Яқинда бир гуруҳ бошланғич таълим ўқитувчилари А. Авлоний номидаги жумҳурият ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий олий билимгоҳининг қисқа муддатли курсларида таҳсил олдик. Соҳа бўйича билимимизни оширишда ва мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам кўрсатган барча мураббийлардан миннатдормиз. Айниқса, М. Тошмуҳаммедова, О. Солиҳов, Ҳ. Эгамов, М. Ғуломов каби меҳри дарё знёкорларнинг мароқли ва чуқур маъноли маърузаларини диққат билан тинглаб, кенг мушоҳада юритдик. Маълум даражада фан янгиликларидан воқиф бўлдик.

Биз ўрганган билимларимизни жойларда бошланғич таълим ўқитувчилари билан ўртоқлашамиз ва қўлимиздан келганча таълимдаги янгиликларни уларга сўзлаб бераниз. Ўйлаймизки, билимгоҳ знёкорларининг жонкуярликлари келгусида ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишларимизда ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳ. РУСТАМОВА,
Нарпай ноҳиясидаги 30-ўрта мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ФАОЛЛИК ПАЙТИ КЕЛДИ

Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда халқ маорифи ишида, ёш авлоднинг таълим-тарбиясида бурилиш ясаш учун нималарга таянмоқ, қандай таъсирчан амалий тадбирларни ҳаётга татбиқ қилмоқ лозим? Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда илм даргоҳларининг моддий базасини мустаҳкамлаш қандай роль ўйнамоқда? Бу борадаги ва умуман мактаб ишидаги муаммолар нималардан иборат?

Яқинда рўзномамизнинг жамоатчи мухбири Ғ. ЕҚУБОВ Қорақалпоғистон жумҳурияти, Хўжайли ноҳияси халқ таълими бўлимининг мудири, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Узоқберген Имоматдинов билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди. Мудир қуйидагиларни гапириб берди:

— Ноҳиямиздаги илм даргоҳларининг педагогик жамоалари ёш авлод таълим-тарбиясини ҳозирги кун талаблари даражасида олиб бориш учун ҳаракат қилмоқдалар. 34 та ўрта, 13 та тўлиқсиз ўрта, 3 та бошланғич мактабда, 4 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида 1600 нафардан знёд ўқитувчи фаолият кўрсатяпти. Уларнинг 60 фоиздан ошиқроғи олий маълумот соҳибидир. Бу, албатта, катта куч. Аммо ўша катта кучни янада самаралироқ ишлашга сафарбар этиш учун илм масканларининг моддий базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу жабҳада муайян ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, ўтган ўқув йилида «Ленинобод» ўрта мактаби учун 216 ўринли, Гагарин номли, Ниёзий номли ўрта мактаблар учун ҳар бири 417 ўринли ва Жамбул номли тўлиқсиз ўрта мактаб учун 216 ўринли янги бинолар қурилган бўлса, мазкур ўқув йилида эса Энгельс номли ўрта мактаб учун 417 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мактаб биноларини қуриш давом этмоқда. Ломоносов номли ўрта мактаб учун 422 ўринли ва «Интернационал» тўлиқсиз ўрта мактаби учун 417 ўринли янги бинолар қурилиши ниҳоясига етай деб турибди.

Айрим хўжаликларда мактаб қурилиши ҳақидаги муаммолар ижобий ҳал қилинди деса бўлади. Жумладан, «Ленин байроғи» жамоа хўжалигидаги Свердлов номли, Наримонов номли, «Хатеп» давлат хўжалигида Гагарин номли, Макаренко номли ўрта мактаблар икки қаватли замонавий биноларда жойлашган. Бу борада ҳали ечилиши лозим бўлган муаммолар бор. Энгельс номли жамоа хўжалигидаги 2 та ўрта ва битта тўлиқсиз ўрта мактабнинг биронтаси ҳам замонавий типдаги бинога эга эмас. Карл Маркс номли жамоа хўжалигидаги Куйбишев номли, Калинин номли жамоа хўжалигидаги Чернишевский номли, «Тошкент» давлат хўжалигидаги Мусаев номли, Бердах номли ўрта ва «Тошкент» тўлиқсиз ўрта мактабларнинг бинолари ҳозирги кунда халқ маорифи юзасидан юқоридан берилган айрим мажбурий кўрсатмалар кўпгина қийинчиликлар туғдиргани сир эмас. Айниқса, қишлоқ жойларида 6 яшар болаларни ўқитиш катта муаммога айланган эди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, 2—3 километрлик масофалардан, давлат ва жамоа хўжаликларининг турли қисмларидан 3—4 болани йиғиб мактабга келтириш жуда қийин эди. Иккинчидан, 3- ва 4-синфларни тамомловчиларни 5-синфда бирлаштириш кутилган натижани бермади. Ноҳиямизнинг барча педагогик жамоачари болаларни 7 ёшдан бошлаб ўқитишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқдалар.

Шунингдек, олдинги йилларда куни узайтирилган гуруҳларга ҳатто 9-синфгача бўлган ўқувчиларнр ҳам жалб этувчи мажбурий режаларнинг берилиши, унинг сўзсиз бажарилишини талаб этиш, болаларни гуруҳларга мажбурий тортиш қишлоқ жойларида ота-оналар орасида норозилик кайфиятларини юзага келтирди. Бу эса ўз навбатида ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг ишини анча мушкуллаштирди. Ҳозирги вақтда мактабларимизда бу борадаги юзакичиликлар тугатилди. Болалар ота-оналарнинг ҳоҳиши билан қабул қилинаяпти, гуруҳлардаги тарбиявий ишлар сифати яхшиланяпти. Шу билан бирга халқ таълими соҳасида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ноҳиямизда ҳам яхши из қолдирмоқда.

Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг фармони билан ноҳиямиздаги барча муаллимлар электр энергияси, газ ва сувдан бепул фойдаланмоқдалар. Давлат уйларида истиқомат қилувчи 134 ўқитувчининг уйи шахсий мулкка айлантириб берилди. 6469 ўқувчи бепул овқат билан таъминланмоқда. Бундай ижобий ҳолатлар жамоатчилик орасида мактаб ва ўқитувчи обрўсини оширмоқда, уларни муваффақиятли ишлашга руҳлантирмоқда. Шу туфайли мактаб ўқувчиларига билим ва тарбия беришда, уларнинг сиҳат-саломатлигини сақлашда, жисмоний ривожланишида олга силжишлар сезилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛИК ПАЙТИ КЕЛДИ

(Боши 1-бетда).

Мактабларда барча ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятлари, иш самаралари бир хил бўлмаса-да, уларга бир хил ҳақ тўланиши кўпчиликни ўйлантириб келаётган масалалардан бири эди. Бу ҳақда маълумки, матбуотда, жамоатчилик орасида кўп гапириб келинарди. Халқ таълими ходимларини, ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш бу муаммони ечишда муҳим аҳамият касб этди. Ноҳиямизда аттестация якунига кўра 20 ўқитувчига олий, 280 ўқитувчига биринчи, 515 ўқитувчига иккинчи ва 848 ўқитувчига мутахассис тоифалари берилди. «1991 йил ўқитувчиси» танловида ноҳиядаги 19 та илм маскани қатнашди. Свердлов номли ўрта мактаб ноҳияда биринчи ўринни эгаллаб, Қорақалпоғистон жумҳурияти мактабларининг танловида иштирок этди ва 4-ўринни олишга муваффақ бўлди. Ўтган йили «йил муаллими» танловида ноҳия зиёкорлари орасида Ломоносов номли ўрта мактабнинг туркман тили ва адабиёти ўқитувчиси Карим Дурдиметов ғолиб чиқиб, жумҳурият танловида қатнашди. Эришган ютуқлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Ўтган ўқув йилида мактабларимизни 7 ўқувчи олтин, 29 ўқувчи кумуш медаль билан тамомлади. Олий ўқув юртларига 58, техникумларга 153, ҳунар-техника билим юртларига 297 ўқувчи кирди.

Маълумки, таълим ва тарбия сифатини оширишда дарсликлар, илмий ва бадиий адабиётлар, ҳар хил қўлланмалар билан таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Бизда мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш яхши деб бўлмайди. Жумладан, қорақалпоқ тилидаги дарсликлар кечикиб босилмоқда. Шу туфайли улардан фойдаланиш муддати ҳам қисқаради. Тарих фанини ўқитишда анча қийинчиликлар юз бермоқда.

Мактабларнинг ўқув-моддий базаси тобора яхшиланаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Аммо бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас: эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли техника воситаларидан кўп ҳолларда фойдаланишнинг имконияти бўлмаётир. Бу йил 10 та мактабда ЭҲМ кабинетлари жиҳозланди. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш учун оталиқ ташкилотлари ёрдамидан самарали фойдаланишга жазм қилганмиз. Аммо база корхоналарининг хўжалик ҳисобига ўтиши уларнинг мактабларга моддий ёрдам кўрсатишини қийинлаштирмоқда.

Таълим самарадорлигини оширишда илғор педагогик тажрибалардан иш жараёнида моҳирона фойдалана олиш, ўқитувчиларнинг касб маҳоратларини ва билим савиясини ошириш муҳим ўрин тутади.

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар изчил равишда қайта тайёрловдан ўтмоқдалар, муҳим мавзуларга бағишланган семинарлар режали ташкил қилинянти. Ноҳия халқ таълими бўлимининг методика кабинети педагогик ишнинг марказига айланган десак, янглишмаймиз. Чунки бу ерда мактаб раҳбарлари, бошланғич синф ва фан ўқитувчиларининг семинар йиғинлари мунтазам суратда ўтказилиб турилади. Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари матбуот орқали ва педагогик ўқишларда ҳамда уларнинг дарсларида ўрганиб борилади.

Мустақиллик йўлига чиққан республикамизда замонавий билим асосларини эгаллаган кадрларга эҳтиёж катта. Ҳозирги кунда мактаб партасида ўтирган ёшлар яқин келажакда жамиятимиз тақдирини ҳал қилувчи кишилар бўлишади. Шунинг учун ўқитувчилар ўзларининг бутун билим ва маҳоратларини ана шу масалани ҳал этишга қаратишлари талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчилар тинмай ўқиш ва ўрганишлари лозим. Бу масалада халқ таълими органлари, жумҳурият ҳукумати ҳам зарур шарт-шароитлар яратиб беришига ишонамиз.

МЕҲНАТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЯПТИ

(Боши 1-бетда).

Энди дарс тақсимотига назар ташлайдиган бўлсак, у қуйидагича: ноҳиямиздаги 665 нафар бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳафталик дарс миқдори 14 соатга қадар камайтирилиб, уларнинг ўртача ойлик маошлари бир неча фоизга оширилди. Худди шунингдек, юқори синф ўқитувчиларининг ҳам дарслари 2 соатдан қисқартирилиб, маошлари оширилган. Жами эса шу йилнинг ўзида ноҳиямиздаги 3700 нафар ўқитувчининг маоши оширилди.

— Ҳозирги шароитда барча соҳада ҳам инсон меҳнатини қадрлаш, уни моддий жиҳатдан рағбатлантириш куннинг асосий талабларидан бири бўлиб қолди. Демакки, бошқа соҳадагилар қаторида муаллимлар орасида ҳам рағбатлантиришга арзигулик кишилар бўлса керак, шундай эмасми, Йўлдош ака?

— Тўғри, бу борада анчагина ишларни қилдик. Мен Президент фармонлари юзасидан бажарилган ишларни назарда тутаётганим йўқ. Яхшиси, аниқлик киритганим маъқулроқ бўлса керак. Кейинги пайтда ноҳияда тадқиқот ўтказиш йўли билан бир қатор ижодкор, ўз устида ишлайдиган, таълим-тарбиянинг барча жиҳатларини пухта билиб, ўқувчини билимлар сари бошлайдиган муаллимларни аниқлаб олдик. Улар ноҳияда бизнинг фахримиз бўлиб, 58 нафарда иборат.

Бозор иқтисоди шароитида моддий қийинчиликларни ҳисобга олиб, яна шу ўқитувчиларнинг кўпчилиги бепул кўмир билан, шунингдек, уларга 9100 сўм миқдордаги пул мукофоти, 4 та енгил автомашина, 4 та кажавали мотоцикл, 5 та телевизор, 15 та тикув машинаси берилди.

Албатта, бу билан мени мақтанишга йўймайсиз. Лекин рағбатлантиришнинг келтирган натижасидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айтайлик, ана шу рағбатлантирилган муаллимлар ишлайдиган мактабларда кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Улар ўз жамоаларида бошқаларга ўрнак бўлиб, ўз устида ишламайдиган ёки ёш муаллимларни ҳам ўз сафларига тортишаяпти, ижодкорликка ундашаяпти. Энг муҳими, ўқувчиларнинг билим даражаси нисбатан олиб қаралганда, анча юқори кўрсаткичларга эга.

— Энди маорифчиларни ҳанузгача қийнаб келаётган бир масала хусусида алоҳида тўхталишингизни сўрамоқчи эдим.

— Оталиқ ташкилотларини назарда тутаётган бўлманг.

— Айнан шу ҳақда сўрамоқчи эдим.

— Нима ҳам дейиш мумкин? Эътироз этолмайман, бир пайтлар ноҳиямиздаги барча оталиқ ташкилотлари, корхона ва муассасалар билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган эди. Бироқ янги шароит, янгича ҳаракатлар, айтиш мумкинки, орамизни узоқлаштирмоқда, ўртадаги масофа тобора кенгайиб, гўё бегоналардек бўлиб бораяпмиз.

Сабаби аён. Хўжаликлар ўзини ўзи бошқариш, ўзўзини пул билан таъминлаш мақсадида мактабларни, қарамоғларидаги илм даргоҳларини фақат ўқитувчилар гагина ташлаб қўйишди. Аввалари бериладиган ёрдамнинг ўндан бирини ҳам ололмаяпмиз. Бунинг натижасида мактабларимиз чала ремонт қилиниб, баъзи қурилиш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Эҳтимол, бу масалани келажакда юқори ташкилотлар ўйлаб кўришар, аммо айни кундаги аҳвол бизни қониқтирадиган даражада эмас. Масалан, шу кунларда ўқувчиларни иссиқ овқат, сут ва ёғ маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг ҳам маълум маънода улушлари бўлиши керак эди. Лекин ҳанузгача бу нарса ҳам кўзга ташланмаяпти.

Худди шунга ўхшаш айрим муаммоларга ҳам тўхталмоқчи эдим. Ўқитувчини моддий жиҳатдан таъминлаш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, қолаверса, Президент фармонларини тўлалигича амалга оширишда ноҳия халқ таълими бўлими қўлидан келганича имкониятларни изламоқда. Бироқ бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Айтайлик, 1991-92 ўқув йилида мактабларни ёнилғи билан таъминлаш ишлари анча мураккаблашди. Тузилган шартнома асосида ва савдо ташкилотларига келаётган кўмирни ўз вақтида олишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли кўпгина мактабларимиз, жойлардаги ўқитувчилар ёнилғи билан таъминланмай қолмоқдалар. Бунинг натижасида қишнинг қировли кунларида мактабларда ўқитиш ишлари мураккаблашди. Қиш эса ҳали давом этмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керак: ўтган йили ҳам «Ўқитувчилар газетаси» айнан бизнинг ноҳиядаги аҳволни батафсил ёритган эди. Афсуски, масала ўрганилиб, ижобий ҳал этилиш ўрнига тобора мураккаблашмоқда, мактаб ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Шунингдек, қишлоқ шўролари томонидан ноҳия газлаштириш корхонасига пул маблағлари ўтказилиб, газ талонлари тарқатилса-да, ўқитувчилар ҳамон ундан баҳраманд бўлмаётирлар. Шаҳарда истиқомат қилаётган муаллимлар аҳволини ҳам яхши дейиш қийин.

Хуллас, Президент фармонларининг бажарилишида барча корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам масъулиятни ҳис қилсалар, нур устига аъло нур бўларди.

— Келажак режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ўқитувчининг бош мақсади фарзандларимизни тўғри тарбиялаб, вояга етказишдан иборат экан, биз ҳам шунга лойиқ шарт-шароитни ҳозирлашни, келгусида улар йўлида муаммолар бўлмасликнинг имкон қадар йўлларини қидирмоқдамиз. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, янги мактаблар қуришни режалаштираяпмиз. Қурилишга кетадиган материалларни қўшни жумҳуриятлардан олиш учун шартномалар ҳозирлаяпмиз. Ўйлайманки, эзгулик йўлида қилинадиган ҳар бир иш яхши самара берса керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОХУНБОБОЕВ РАЙОН КЕНГАШИ

ТАДБИРЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Бажаради: район газлаштириш идораси, қишлоқ Кенгашлари, РХТБ, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари, молия бўлими.

Муддати: 1992 йилнинг июнь, декабрь ойлари.

и) суюлтирилган газдан фойдаланувчи ўқитувчиларни нормадаги газ билан таъминлаш. Бепул газ олиш учун талон жорий қилиш.

Бажаради: район газлаштириш идораси, қишлоқ Кенгашлари, РХТБ.

Муддати: ҳар ойда.

ғ) 1991 йилда кўмир олмаган 567 ўқитувчига кўмир бериш, 1992 йил учун ёқилғи билан таъминлаш чораларини кўриш.

Бажаради: район халқ таълими бўлими, халқ таълими муассасалари раҳбарлари.

Муддати: 1992 йилнинг январь — май ойлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 22 январда матбуотда эълон қилинган «Эркин нархларнинг жорий этилиши муносабати билан талабалар, ўқувчи-ёшлар, ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож бўлган нафақахўрлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорини тўлиқ бажарилишини ташкил қилиш.

12. Мактаблар, тарбия муассасалари ошхоналарини етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Бажаради: давлат таъминоти район бўлими, район умумий овқатланиш корхонаси.

Муддати: доимий.

13. Мактаб ошхоналарига сут олиб келиш учун транспорт ажратиш.

Бажаради: давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари.

Муддати: ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари.

14. Болалар боғчалари ва мактаб ошхоналарини хўжаликларда етиштирилган полиз, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш.

Бажаради: давлат ва жамоа хўжаликлари, район тайёрлов идораси, район агросаноат уюшмаси.

Муддати: йил давомида.

15. Райондаги паррандачилик фабрикасида ишлаб чиқарилган гўшт ва тухум маҳсулотларини мактаб ва болалар боғчалари ошхоналарига етказиб бериш масаласини вилоят режалаштириш идораси орқали ҳал қилиш.

Бажаради: район ижроия қўмитаси, район план комиссияси.

Муддати: 1992 йилнинг февраль ойи.

16. Болалар боғчалари ва мактаб ошхоналаридаги таъмирлаш зарур бўлган асбоб-ускуналар учун керакли миқдорда маблағ ажратиш, сметага киритиш ва таъмирлаш.

Бажаради: район молия бўлими, қишлоқ Кенгашлари, муассаса раҳбарлари.

Муддати: 1992 йилнинг февраль ойи.

17. 1—5-синф ўқувчилари нонуштасини яхшилаш мақсадида оталиқ ташкилотлари ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш.

Бажаради: оталиқ ташкилотлари раҳбарлари.

Муддати: 1992 йилнинг февраль ойи.

18. Халқ таълими муассасаларини жорий ва капитал таъмирлаш, янги ўқув йилига тайёрлаш.

Бажаради: РХТБ, давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари, 76-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, МХП.

Муддати: 1992 йилнинг июнь — июль ойлари.

Ҳамюртларимиз қандай хизмат қилмоқда?

ЮРТДОШЛАР ДАВРАСИДА 5 КУН

Республика Олий Советининг махсус гуруҳи олис гарнизонларда хизмат бурчларини ўтаётган ҳамюрт-аскарлар ҳузирида бўлиб қайтди. Улар сафида халқ ноиблари, таниқли артистлар ҳамда журналистлар бор эди.

Биз Екатеринбург, Пермь ва Оренбург вилоятларидаги ҳарбий қисмларда бўлдик. Зобитлар, солдатлар билан мулоқот қилдик. Улар дардига қулоқ тутдик.

Солдат клуби. Мен уни ҳеч қачон бу қадар жозибали тарзда кўрмаганман. Балким, мазкур макон меҳрга ташна ҳамюртларимиз юз-кўзларидан тўкилаётган нур туфайли янада чароғон бўлаётгандир? Балким, она-юрт тафти дилларда ўз акси топгандир?

— Ўзбекистондан ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг меҳна т с е в а р лигини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди биз билан суҳбатда офицер Сергей Павлович Кудрин. Ўзбек ўғлонларида айнан бу хислат етарли. Биз улар сафидан кичик командирларни тайёрлашга алоҳида эътибор бераяпмиз. Етук мутахассислар тобора кўпаймоқда. Сизларнинг ташрифингиз улар кўнглини чоғ қилди. Йигитлар Ўзбекистон билан бирга эканликларини, уларни унутиб қўйишмаганини ҳис қилишмоқда. Ўйлайманки, бундан кейинги хизматлари ҳам кўнгилдагидек бўлади.

— Биз Намангандан хизматга чақирилганмиз, — дейди ўзларини Акмал Бойдадаев ҳамда Усмон Асқаров деб таништирган солдатлар. — Хизматни бошлаганимизга эндигина уч ой бўлди. Қисмимизда ўзбеклар кўпчиликни ташкил этади. Ҳарбийдаги тартиб-қоидаларга ҳам кўникиб кетдик. Ота-онамизга, қариндошуруғларга бизнинг соғ-саломат эканлигимизни етказиб қўйинглар.

Оренбург вилоятидаги ҳарбий қисмларда ўзбек зобитларини ҳам учратдик.

— Етти йилдан буён хизматдаман, — дейди Рамазон Жўраев. Асли Сурхондарё вилоятининг Сарионё ноҳиясидаги «Дашнобод» давлат хўжалигидан бўлиб, 3 фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Асалой ҳам шу ердаги ҳарбий госпиталда кичик ҳамшира бўлиб ишлайди. — Ўнвоним прапоршик. Насиб бўлса, 3 ойдан сўнг ҳарбий хизмат юзасидан тузилган шартномам тугайди. Ҳали бирор қарорга келганимча йўқ...

— Мени бир нарса жуда ташвишга солади, — дейди суҳбатдошимиз. — Ёшлар ҳарбий хизматни менсимай қўйди. Жойларда ёшлар билан етарли тарбиявий ишлар олиб борилмаяпти, назаримда.

Болаларнинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаётгани рост. Ҳатто ота-оналарнинг ўзлари бориб, фарзандларини олиб келяпти. Лекин бу билан вазиятдан чиқиб бўлармикин? Тўғри, замон оғир. Бироқ ҳамма учун мақбул бўлган йўлни топиш даркор. Токи, «сих ҳам қўймасин, кабоб ҳам».

Алимурод МАМАДАМИНОВ.

СУРАТЛАРДА: Олий Совет қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг аъзоси, Ўзбекистон Халқ депутати Баҳодир Жўрабоев ҳамюртларимиз Мурод Рисқулов ҳамда сержант Юсуфжон Ережабов билан суҳбатлашмоқда; Екатеринбургда хизмат қилаётган бир гуруҳ ёшлар; Тошкент вилоятининг «Паркент гуллари» ашула ва рақс ансамблига мукофот тақдим этилмоқда, ўзбекистонлик болаларга китоблар улашилаётир.

МУАЛЛИФ суратга олган.

Тошкент — Екатеринбург — Пермь — Оренбург — Тошкент.

МУРУВВАТ

Самарқанд шаҳридаги 14-автобус парки жамоаси 9-ўрта махсус мактаб-интернатни оталиққа олган. Бундан икки йил муқаддам мактаб-интернатни жорий таъмирлаш учун улар 4800 сўм миқдорида маблағ ажратишган эди. Яқинда оталиқ ташкилоти интернат эҳтиёжлари учун яна 170 сўм пул маблағини тақдим этди. Зиё масканидаги 190 нафар тарбияланувчининг ҳар бири бундай саховатдан мамнун бўлаётир.

А. ҲАЙДАРОВ.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Ўтмишда кўчманчи халқлар қадимий маърифатларнинг қарор топишига ҳисса қўшдилар. Улар бепоён даштларни, деҳқончилик учун яроқсиз бўлган чўл ва саҳроларни ўзлаштирдилар. Аслида деҳқонлар билан кўчманчилар бир-бирларига мадад бериб келдилар, қадимий дунё хўжалик тизимининг энг муҳим соҳалари бўлган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ўзаро баҳам кўрдилар. Шу тариқа бозор муносабатлари — меҳнат тақсимотига асосланган фаолият маҳсулотларини айирбошлаш вужудга келди.

Маданияти равнақ топган халқларнинг намояндаларигина эмас, шу билан бирга урушлар ва зўравонликлар оқибатида ўз оилаларидан ажратилган, тош конларига, устахоналарга, қулдорларнинг далаларига ва кемаларига ташланган сон-саноқсиз ва номсиз меҳнатчилар ҳам қадимий маърифатларга пойдевор қўйганлар. Ўтмишдаги кўпгина атоқли маданият ижодкорлари қуллар эди. Масалчи Эзоп фригиялик қул бўлганини эсга олайлик. Унинг асарлари Юнонистонда кенг машҳур бўлибгина қолмай, М. Лютер, Ж. Лафонтен, Г. Лессинг ва И. А. Крилов ижодиётига ҳам таъсир ўтказгани маълум. Европа драмасига асос солган Теренций румоли қул бўлган эди. Бундай кишиларнинг номларини кўплаб айтиш мумкин.

Қадимий маърифатлар ҳали ҳам сўнмаган дунёдирки, ҳозир ҳам улар бизга нур сочиб турибди. Уларнинг ютуқлари ҳозирги замон маданиятининг бир қисмидир. Биз адабиёт ва санъатнинг қадимийлик ҳиди анқиб турган дурдоналаридан завқ-шавқ олиш учунгина уларга мурожаат этмаймиз. Ўтмиш сабоқлари ҳозирги замоннинг олижаноб мақсадларига, халқларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бойишига, уларнинг ўзаро ҳурмат ва эҳтиромига, улар ўзларини қадимий маърифатлар умумий бойлигининг меросхўрлари эканликларини англаб олишларига хизмат қилиши лозим.

Саволлар:

1. Қадимий маърифатларнинг ибтидоий жамиятдан фарқи нима?

2. Қадимий маърифатларни ҳозир тушуниб олишнинг қийинлиги нимадан иборат?

3. Қадимий маърифатлар ўртасида қандай алоқалар мавжуд бўлган?

10. ЕВРОПАНИНГ ҚАДИМИЙ МАЪРИФАТЛАРИ

Бошқа қадимий маърифатларнинг аҳамиятини асло камайтирмай, ҳар ҳолда қадимий Юнонистон, Эллин давлатлари ва қадимий Румо Европа халқларининг тарихига алоҳида таъсир қилганини тан олмоқ керак. Уларнинг тарихида воқеалар жуда кўп бўлган, бу тарих олимлар томонидан жуда батафсил ёзилган ва ўрганилган. Шунинг учун ҳам мазкур давлатларнинг тарихи, кўп жиҳатдан маълум. Бироқ инсониятнинг ҳозирги замон маърифати сари қилган ҳаракати нуқтаи назаридан бу даврга яна бир бор назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. Мазкур қадимий маърифатлар инсониятга нималарни бахш этди? Улар ҳақидаги хотира асрлар бўйи яшаб келаётганининг, уларга бўлган қизиқиш ҳеч камаймаётганининг боиси нима?

Антик давр маърифатининг юзага келиши. Юнонистонда эрадан аввалги VIII—VI асрларда ривожланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеалар антик давр жамиятига ўтмишдаги бошқа маърифатларга нисбатан муайян хусусият бахш этди. Классик қуллик (рисолладагидек қуллик), пул муомаласи ва бозор тизими, полис — сиёсий ташкилотнинг алоҳида шакли, халқ суверенитети ғояси ва ҳукмронликнинг демократик шакли ва хусусиятлар жумласига киради. Ўша пайтдаёқ ахлоқнинг асосий қоидалари, нафосат олий мақсадлари ишлаб чиқилган эди, булар христианлик пайдо бўлгунга қадар антик дунёга таъсир ўтказиб келди. Ниҳоят, шу даврда антик маданиятнинг асосий ҳодисалари — илм-фан ва фалсафа, адабиётнинг асосий турлари, театр, меъморчилик, спорт юзага келди. Хўжаликнинг шундан аввалги ривожланиши туфайли иқтисодиётнинг гуркираб юксалиши жамият учун ҳар томонлама самарали бўлди. Қишлоқ хўжалигида ва ҳунармандчиликда темир қуроллардан фойдаланиш муносабати билан меҳнат унумдорлиги ўсганлиги ҳаддан ташқари кўп (ишлаб чиқарувчи учун зарур бўлганидан ортиқча) меҳнат маҳсулоти ҳосил бўлишига олиб келди. Тобора кўпроқ кишилар деҳқончиликдан озод бўла борди, бу эса ҳунармандчиликнинг тез ривожланишини таъминлади. Ҳунармандчилик деҳқончиликдан алоҳида бўлиб ажралиб чиққанлиги улар ўртасидаги мунтазам айирбошлашни йўлга қўйишни тақозо этди, бошқача қилиб айтганда, бозор пайдо бўлишига олиб келди. Бозор деганда Юнонистоннинг ҳамма томонидан маҳсулот келтириб сотиладиган жой эмас, балки мамлакат вилоятлари ва районлари ўртасидаги мунтазам савдо-сотиқ алоқалари тушуниладиган бўлди. Савдо-сотиқнинг ривожланиши умумий айирбошлаш воситаси ролини ўйнайдиган, яъни меҳнатнинг бошқа маҳсулотларига осонгина алмаштириладиган маҳсулот пайдо бўлишини талаб қилди. Пул мана шундай воситага айланди. Аввалига чорва моллар пул ролини бажарди, аммо кейинроқ металл тангалар пул вазифасини ўтайдиган бўлди. Бундай тангаларни муайян ҳисоб-китобга мувофиқ бошқа маҳсулотларга айирбошлаб олиш мумкин эди.

Илк даврда Юнонистон ягона мамлакат бўлмаса ҳам, бироқ айрим полислар ўртасидаги мунтазам савдо-сотиқ алоқалари этник ўзлигини англашни аста-секин шакллантиришга олиб келди — юнонлар бора-бора ўзларининг эллинлар деб ҳисобланмайдиган бошқа элатлардан фарқ қилувчи ягона халқ эканликларини англаб олдилар. Эрамиздан аввалги 776 йилдан бошлаб ўтказилган, фақат эллинлар иштирокида ўтказиладиган машҳур олимпия ўйинлари мана шундай ўзлигини англашнинг кўринишларидан бири бўлди.

Шу даврда жамоачилик туйғуси билан мусобақачилик негизининг бирга қўшилиши қадимий Юнонистон жамияти ахлоқ-одобининг асосий белгиси эди. Жамоа, полис доирасидан ташқарида алоҳида кишининг яшаши мумкин эмас эди, шу сабабли ўз полисини ҳимоя қилиш фуқаронинг олий шаён-шавкати ҳисобланарди. «Жасур йигит ўз ватани бахт-саодати йўлидаги жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар орасида жон бериши нақадар лаззатли», деб ёзган эди Спартан шоири Тиртей. Мусобақачилик қондаси эса полисга имкони борича яхшироқ хизмат қилиш муддаосида мужассамлашар эди.

Эрамиздан аввалги VIII—VI асрларда мукаммал меъморчилик, аввало жамоат бинолари, диний иморатлар меъморчилиги пайдо бўлди. Жамиятнинг бутун кучқуввати азим иншоотлар — ибодатхоналар, аввало жамоага ҳомийлик қилувчиларнинг ибодатхоналарини барпо этишга қаратилди. Полисга ойд дунёқараш учун полиснинг муайян ҳомий Худо билан алоҳида алоқаси ҳақидаги тасаввур характерли эди. Дельфадаги ва олимпиядаги ибодатхоналаргина умумюнонистон аҳамиятига эга эди. Ибодатхоналарга совғалар келтириш одати туфайли энг яхши санъат асарлари ибодатхоналарда тўпланадиган бўлди, уларнинг ҳудуди эса бамисоли музей бўлиб хизмат қиладиган бўлди.

Алифбега асосланган ёзув вужудга келтирилганлиги шу даврдаги юнон маданиятининг энг буюк ютуғи бўлди. Юнонлар финикияликларнинг бўғин тизимини ўзгартириб, ахборотни қайд этишнинг оддий усулини яратдилар. Ҳарф ва ҳисоб-китобни ўрганиш учун неча йиллаб оғир машаққат чекишга ҳожат қолмади. Таълим тизими халққа яқинлаштирилди, шу йўл билан Юнонистоннинг барча эркин фуқаролари саводли бўлиб қолдилар. Саводли бўлиш ахборотнинг ёзма усулларидан фойдаланиш, адиблар ва олимларнинг асарлари билан танишиш имконини беради.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).



ИШТИЁҚ

Болаларнинг кўзларига қарайман. Барчасида билимга иштиёқ, саволларга дона-дона жавоб бериш истаги. Синф тахтаси ёнига қатор саф тортган ўқувчилар топширилган ролларига қараб тупроқ, илдиз, поя, барг, гул, уруғ сурати ишланган қалин қоғоздан манглайқош кийиб олишган. Ўқитувчи олтинчи синфда ўтилган «Уруғ, барг, гул, поя, илдиз ва атроф-муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги» мавзуси юзасидан дарсини ташкил этишда мавзулараро ўйин услубини яратганки, уни ноанъанавий дарснинг ажойиб намунаси дейиш мумкин.

Биз Пайариқ ноҳиясидаги 49-мактабнинг биология ўқитувчиси Узоқбой Мислибоевнинг дарсини кузатарканмиз, Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида биология кабинети мудири Шомирза Умрзоқовнинг моҳир ўқитувчи дарсларида ўйин услубларидан фойдаланиши болаларнинг фаол ишлаши, мустақил фикрлашларида, фан асосларини пухта эгаллашларида муҳим омил бўлаётганлиги ҳақида айтган гапларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Узоқбой аканинг «Ўсимликлар ҳаёт фаолиятини тасвирловчи жадвал», «Ўсимликлар гуруҳлари ҳаёт фаолиятининг жадвали» плакат тарзида оммалаштирилган. Мен биология кабинетида ана шу икки жадвални бирлаштириб, катталаштириб ишланган нусхаси ўқувчиларнинг пухта билим олишига хизмат қилаётганини кўриб, ўқитувчининг машаққатли меҳнатлари зое кетмаганлигининг гувоҳи бўлдим.

ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ

Узоқбой ака 1955 йилда Қўшработ ноҳиясидаги Пушкин номли 7-ўрта мактабни битириб, 5—7-синфларда математикадан дарс бера бошлади. Эндигина 19 ёшга кирган йигитча тез орада болалар ўртасида иш олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилди. Кейинчалик физика ва химиядан ҳам дарс берди.

Ҳар бир кишининг ўз меҳр қўйганнарсаси бўлади. Узоқбой аканинг ёшлиги ажойиб ҳайвонот ва ўсимликлар оламига бой тоғли қишлоқда ўтгани учун табиатнинг такрорланмас мўъжизалари унинг дилини ром этарди. Шунинг учун у олий маълумот олиш ниятида Самарқанд давлат дорилфунунига ҳужжат топшираётганида, ҳеч иккиланмай биологлик ихтисосини танлади. Ўшанда у 24 ёшда эди. 1966 йилда университетни битириб, Пайариқ ноҳиясидаги 46-мактабда биология ва химиядан дарс бера бошлади.

Ўтган йиллар унинг учун ўқиш, ўрганиш, изланиш даври бўлди. Қишлоқ мактаби моддий аҳволининг ночорлиги, дарсликдаги материалларнинг ўқувчиларга пухта билим бериш учун ноқулайлиги уни кўргазмали қуроллар, дидактик карточкалар яратишга, дарс беришнинг ноанъанавий усулларини қўллашга — ўйин дарслари ташкил этишга ва, ниҳоят, кўп йиллик меҳнат маҳсули бўлган юқорида тилга олиб ўтилган жадвалларни яратишга бир туртки бўлди.

МАҲОРАТ ҚИРРАЛАРИ

Юқорида ўқитувчининг «Илдиз, поя, барг, гул ва уруғ» мавзулари бўйича ўйин дарслари ҳақида сўз очган эдик. У. Мислибоев ҳозирги 7-синф ўқувчиларининг 6-синфдаги 43 соатлик ўқув материалини қандай ўзлаштирганликларини ўйин услуби орқали намойиш қилди.

— Биз, — деб мурожаат қилди ўқитувчи ўқувчиларга, — сизлар билан ўтган йили март ойида ўйин дарси ўтгандик. Бугун шу ўйин дарсини бултур қандай ўтган бўлсак, шу тартибда кўрсатиб берамиз. Илдиздан уруғгача катта ҳажмдаги дарс материалини ўқувчилар пухта ўзлаштирганликларини кўрдик.

Ўқувчилар саволларга жавоб қайтаришда жадвалдан ўринли фойдаланишди.

Дарс икки қисмдан ташкил топди. Биринчи қисми — савол-жавоб, иккинчиси бадиий қисмдан иборат бўлди.

Биринчи бўлиб «Уруғ» ўртага савол ташлади: «Мен уруғман, мен ҳақимда нималарни биласизлар? Қани айтинглар-чи!»

Уруғ ҳаёт фаолияти: 1. Уруғ ва мевалар қандай тузилишга эга? 2. Уруғларга органик моддалар қаердан келади? 3. Уруғлар нафас олишини қандай исботлаш мумкин? 4. Уруғлар қандай турларга бўлинади? 5. Уруғнинг функцияси ва аҳамиятини айтинг.

Иккинчи бўлиб «Гул», сўнгра «Барг», «Поя» ва ниҳоят «Илдиз» ўртага саволлар ташлади.

Юқоридаги саволларга ўқувчилар жадвал орқали лўнда ва аниқ жавоб беришди.

Шундан кейин дарснинг бадиий қисми бошланиб, биринчи бўлиб яна «Уруғ» сўз бошлади:

— Ҳой, менга қаранглар! Мен ҳаммаларингдан баландда тураман, вазним оғир, қорним тўқ, ер юзидаги барча жониворларга овқат тайёрлаб бераман.

Навбатни «Гул» олади:

— Менга қара, уруғ! Сен менсиз ҳосил бўласан, агар чангланмасам, қуриб қоласан. Мен эса ўсимликнинг маликасиман, гўзаллик тимсолиман, мен ҳақимда шоирлар шеър ёзади, хонандалар қўшиқ айтади. Одамлар дўстлик рамзи сифатида туғилган кунларида ва байрамларда бир-бирларини гул билан табриклайдилар.

«Барг»: — Ҳой, ҳой, тўхта! Бунча талтаясан, ахир сени гуллатиб, яшнатиб қўйган мен эмасми? Сен ва уруғ учун моддани мен тайёрлаб бераман-ку, мен фотосинтез жараёнида иштирок этаман, менда яшил хлорофил бор, бу гўё завод, унда қуёшдан фойдаланиб анорганик моддаларни органик моддаларга айлантираман ва атмосферага кислород ажратаман.

«Поя»: — Сен жуда ошириб юбордингку! Ахир сен менга боғлиқсан, сенга мен сув ва минерал моддаларни етказиб бераман:

— «Илдиз»: — Ҳаммаларингга сув ва минерал тузларни мен етказиб турибман, сенлардаги жонли ҳаёт мен туфайлидир.

Тупроқ: — Илдиз тўғри гапирди, мен она заминман, тупроқман, барчангиз менинг фарзандларимсиз, мен сизларга сув, озиқ-овқат етказиб бераман, мени эса одамлар парвариш қилиши керак.

Шундан сўнг ўқувчилар баралла: — Биз бир ўсимликнинг органларимиз — ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз деб уч марта такрорлашиб, ўз ўринларига ўтиришди.

Ўқитувчи дарсда ўқувчиларнинг фаоллигига алоҳида эътибор беради. Ҳар бир дарсда уч-тўрт ўқувчига дидактик карточкалар тарқатади. Карточкалардаги саволларга ўқувчилар жадвалдан жавоб топа оладилар. Жумладан, 1-карточкада шундай саволлар бор: 1. Илдиз қандай қисмлардан иборат? 2. Илдизнинг неча тури мавжуд? Мисоллар келтиринг.

Иккинчи карточка: 1. Оддий ва мураккаб барг деб нимага айтилади? Мисоллар келтиринг. 2. Барглар қандай шаклларда бўлади?

Учинчи карточка: 1. Поя қандай тузилишга эга. 2. Поянинг қайси қисмидан сув ва минерал тузлар юқорига кўтарилади?

Узоқбой ака ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида эскича дарс ташкил этиш анъанасидан воз кечган ҳолда ўтган дарсда ёздирилган саволларга ўқувчилар жавоби муҳокама қилингач, янги дарсни бошлайди. Дарс тугашидан олдин 5 — 10 минут вақт ажратиб, келгуси дарс учун саволлар ёздиради. Бу саволлар ўқувчилар фаоллигини оширишга, билимини мустаҳкамлашга ёрдам бераётир.

— Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстириш учун, — деб ҳикоя қилади У. Мислибоев, — аввало, дарс мазмунини бола онгига етказа билмоқ зарур. Бунга сийқаси чиққан дарс тузилиши билан эришиб бўлмайди. Шунга кўра мен дарс тузилишини ҳар бир мавзунинг қизиқарли ўтказилишига, ўқувчининг мустақил ишлашига, ижодий фикрлашига имкон берадиган даражада тузилишига ҳаракат қиламан.

Ўтган йили Узоқбой Мислибоев «Ўқитувчи — 91» кўрик-танловида Самарқанд шаҳар Темирйўл ноҳиясидаги 49-мактабнинг 6-«Б» синфида ўйин дарсини жуда яхши ташкил этгани, вилоят танловида совриндорлар қаторида тақдирланганлигини айтишди.

Узоқбой аканинг вилоят педагогик ўқишларига қўйилган «Ўсимликлар ҳаёт фаолиятини ўрганишда қўлланиладиган жадваллар» мавзуидаги маърузаси юқори баҳоланиб, республика педагогик ўқишларига тақдим этилди.

ЭЪТИРОФ

Узоқбой Мислибоевнинг «Ўсимликлар гуруҳлари ҳаёт фаолиятининг жадвали»дан ҳам ўқувчилар билим даражасини мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш мумкин. Унда 6 ва 7-синфларда ўтиладиган бактериялар, сувўтлари, замбуруғлар, лишайниклар, мохлар, папоротниклар, очиқ уруғликлар, ёпиқ уруғликлар ҳаёт фаолияти изчилликда ёритилган.

Ижодкор ўқитувчининг ҳар иккала жадвали фақат мактаб ўқитувчилари учунгина эмас, балки ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари ва биология ўқитувчилари учун ҳам фойдали эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

— Узоқбой аканинг кўп дарсларини кузатганман, августа кенгаши метод бирлашмаларида маърузаларини эшитганман, — дейди Пайариқ ноҳиясидаги 50-мактаб биология ўқитувчиси Жозил Ўринов биз билан суҳбатда. — Одамнинг кўнгли билади. Ҳар бир сўзини мириқиб эшитасан, киши. Унинг кўплаб шогирдлари олимпиада ғолиблари. Устоз изидан бораётганлар кўп. Мен ҳам домлани устоз деб биламан.

У. Мислибоевнинг иш тажрибалари район, вилоят ва республика матбуотида бир неча бор ёритилди. Жумладан, «Совет мактаби» журналининг ўтган йилги 8-сонида унинг «Ўсимликларни ўрганишда жадваллар» сарлавҳаси остидаги мақоласи ва ҳар иккала жадвал эълон қилинган.

У ўз ҳамкасбларидан кўплаб хатлар олиб турибди. Жумладан, Иштихон районидаги 52-ўрта мактабнинг катта ўқитувчиси Э. Жонизоқов шундай ёзади:

«Ҳурматли домла У. Мислибоев! Хатирчида бўлган конференцияда қатнашгандим. Биологиядан бўлган маърузалардан менга ёққани Сизнинг докладингиз бўлди. Сиз, домла, катта иш қилгансиз. Ўсимликлар ҳаётини системага солгансиз... Мен жадвалингиз асосида «Мавзулараро ўйин» дарсингизни синаб кўрдим. Жуда яхши натижа берди. Жадвалингиз номини бироз ўзгартирдим, яъни «У. Мислибоевнинг ўсимликлар ҳаёт фаолиятини тасвирловчи жадвали» деб атадим ва катта қилиб доска ёнига илиб қўйдим...»

Мана, яна мактублар: «Мактабимизда уч киши биолог. Ҳаммамиз Сиз яратган жадваллар, «Мавзулараро ўйин» дарсингиз таълимда янгилик эканлигини тан оламиз. Бу ишингиз юксак баҳоланишга, қадрлашга арзийди.

Салом билан, Каримова Лола, Тошкент шаҳридаги 265-ўрта мактаб ўқитувчиси».

«Ассалому алайкум, ҳурматли домла Мислибоев! Мен жадвалингизни катта қилиб ёзиб кабинетга, досканинг чап томонига илиб қўйдим. Яна битта жадвал ижод қилган экансиз, илтимос, ўша жадвалингизни ҳам юборишингизни сўрайман. Досканинг ўнг томонига жойлаштирмоқчиман. Домла, Сизнинг бу ишларингиз ўсимликларни ўрганишда, методикада янгилиндир.

Сизга соғлиқ тилаб, Очилов Абдулла, Иштихон ноҳияси, Зарбанд совхози, 24-мактаб ўқитувчиси».

Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институти доценти, биология фанлари номзоди Қудратилла Ҳайдаров У. Мислибоевнинг вилоят педагогик ўқишларига қўйилган маърузасига қуйидаги тақризни ёзган:

«Ўртоқ У. Мислибоев танлаган ва ижод қилган «Ўсимликлар ҳаёт фаолиятини ўрганишда қўлланиладиган жадваллар» замон талабига мос мавзулардан бири ҳисобланади.

Маруза муаллифи ўзининг кўп йиллик тажрибасига асосланиб таълим-тарбия соҳасида катта ютуқларга эришишда ушбу жадваллардан унумли фойдаланаётганлиги ҳамда ўтилган мавзуларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўқувчилар томонидан енгил ўзлаштириш имкониятига эга бўлаётганлигини баён этган.

Бу чиндан ҳам янгилик, новаторлик иши. У. Мислибоевнинг бой тажрибасидан ботаника дарслари жараёнида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ўқитувчининг маърузасини жумҳурият педагогик ўқишига тавсия этаман».

Новатор ўқитувчиларимиз

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Узоқбой Мислибоевнинг педагогик маҳорати, айниқса, у яратган жадвал ҳақида биология илмининг чуқур билимдони Қ. Ҳайдаров Пайариқ ноҳия рўзномасида («Коммунизм байроғи», 1991 йил 2 март) эълон қилган мақоласида эҳтирос билан ёзади. «Жадвалга тикилиб кўз олдимга Д. И. Менделеев яратган «Д. И. Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси» келди. У ўз жадвалидаги кимёвий элементларни атом оғирлигига қараб жойлаштирган бўлса, У. Мислибоев ўз жадвалида ўсимлик органларининг ҳаёт фаолиятига қараб жойлаштирган. Бу жадвалларни чиндан ҳам янгилик деса бўлади».

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

У. Мислибоев билан бафуржа суҳбатлашиш жараёнида унинг қўлга киритган ютуқлари кўп йиллик ижодий изланишлар самараси экандлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. У олтмишинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб илмий-амалий кенгашларда, ноҳия, вилоят педагогик ўқишларида маърузалари билан қатнашган, ноҳия рўзномасида биология ўқитиш юзасидан бир қатор мақолалари («Экологик тарбия — долзарб масала», «Биология фанини ўқитишда қўшимча материаллардан фойдаланиш») билан қатнашган.

Узоқбой ака биология кабинетини дид билан жиҳозлаган. Кабинетда микроскоплар, таълимнинг техника воситалари, турли мавзуларга оид кўргазмали қуроллар, «Шифобахш ўсимликлар», «Ўзбекистон мевалари», «Пахтадан олинадиган маҳсулотлар» плакатлари, экология бурчаги («Ўсимликлар олами», «Жонажон табиат», «Ҳайвонот дунёси» плакатлари ва бошқа кўргазмали материаллар) ўрин олган.

Узоқбой аканинг қўплаб ўқувчилари вилоят ва жумҳурият олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб келишмоқда. Ҳозирги кунда турли олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган, Тошкент, Самарқанд медицина институтларида, университетлар ва педагогика институтларида, мактабларда ўқитувчилик қилаётган, жамоа хўжаликларида агроном бўлиб ишлаётган шогирдлари беҳисоб. С. Абдусатторова, М. Шавқиева, Н. Камоловалар мактабда биологиядан дарс беришмоқда.

Узоқбой ака «Биология в школе», «Природа», «Свет», «Декоративное садоводство», «Защита растений», «Фан ва турмуш», «Сирли олам» ва бошқа нашрларни мунтазам ўқиб боради.

— Педагогик маҳоратимни оширишимда матбуотнинг нафи катта эканлигини тан олишим керак, — деди У. Мислибоев. — Жумладан, «Совет мактаби» ойномасининг 1988 йил 10-сонида эълон қилинган мақоладан академик М. Нечкина таклиф этган метод билан танишиш туфайли биология дарсларини янгича ўқитишга киришдим. Бу ўқувчилар фаоллигини ошириш ва ўқув материалини пухта ўзлаштиришга имкон бермоқда.

Пайариқ ноҳиясида У. Мислибоевнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Ноҳия методика кабинети томонидан «Биология дарсларида синф ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш методидан» деган плакат чоп этилган.

— Биз, — дейди ноҳия халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Қ. Абдўалимов, — биология ўқитувчилари метод бирлашмасида Узоқбой аканинг янгича ўқитиш иш тажрибасини муҳокама қилдик. Сўзга чиққан ўқитувчи ва методистлар мунозара дарслари ташкил этишда, байрам мушоираларида бу қимматли тажрибадан фойдаланиш мумкинлигини айтишди.

Биология кабинетини жиҳозлашда ҳам У. Мислибоев иш тажрибаси ўрганишга лойиқ. Яқин орада биология ўқитувчиларини шу мактабга таклиф этиб, кўргазмали семинар ташкил этмоқчимиз.

Узоқбой ака ишлаётган тўлиқсиз ўрта мактабда ўқувчилар сони икки юзга ҳам бормайди. Калинин номли жамоа хўжалиги томонидан тўрт йил бурун қуриб берилган кўримсиз бинода у анча кўзга кўринарли иш олиб бормоқда. Хўжалик илтифоти билан мактабга берилган ярим гектар ерга ўтган йили 250 туп мевали кўчат ўтқазилди. Уларнинг аксарияти ўрик, олма, беҳи, ёнғоқ кўчатлари. Бу ниҳоллар яқин орада ҳосилга киришига шубҳа йўқ. Энди Узоқбой ака ўқувчиларига бераётган назарий билимларни шогирдлари билан парваришлайдиган боғда ўтказади. Бу ерда тупроқда мўъжизалар яратиш мумкинлигини исботлаш мумкин бўлади, деб ишонамиз.

Олий тоифали методист ўқитувчи. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Узоқбой Мислибоевнинг новаторлик иш тажрибасини атрофлича ўрганиш ва оммалаштириш лозим. Агар унинг ҳар иккала жадвали мутасадди ташкилотлар томонидан оммавий нусхада нашр этилса, айни муддао бўлур эди.

Халқимизда интилганга толе ёр, деган нақл бор. Камтарин, вазмин, лекин серғайрат, изланувчан ўқитувчи Узоқбой Мислибоевнинг кўп йиллик ва самарали меҳнатлари таҳсин ва тақдирлашга лойиқдир.

Ғ. МАННОПОВ,
махсус мухбиримиз.



СУРАТЛАРДА: У. Мислибоев дарсларидан лавҳалар.

ҚОБУСНОМА: ТИЖОРАТ ВА БОЗОРГОНЛИК РАСМИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ҳар ҳолда тижорат ва бозоргонлик пеша ҳисобида эрмасдур, аммо уни яхши санъат деса бўлур, чунки ҳақиқатда унга назар қилсанг, унинг расм-русуми худди «пешавар» (ҳунармандлар)ларнинг расм-русумига ўхшашдир. Улуғлар дебдурларки, бозоргонлик ақлсизлик асосига, фойда топмоқ тартиби ақл асосига қурулмиш, бу — агар жоҳиллар бўлмаса эрди, жаҳон вайрон бўлур эди, деган гапдур. Бу сўздин мақсуд улдурки, ҳар киши молини зиёда қилмоқ таъмасида бўлса, бир танга учун мағрибдин машриққа борур, ўзин тоққа, дарёга урур, жонин, танин ва молин мухотарага (қўрқинчли) солар, йўлнинг ноймнлигидин (хавфли), ҳайвонотдин (дарранда, ҳайвондин) қўрқмас, шунинг учун мағрибдин машриққа, машриқдин мағрибга бориб халққа неъмат келтирурлар. Ложарам (чорасиз) жаҳоннинг ободонлиғи унинг била вожиб бўлур, бу иш бозоргондин бошқа халқдан зоҳир бўлмас. Бундоқ хавотирлиқ ишни ақлининг кўзи кўр бўлғон киши ихтиёр қилур.

Бозоргонлик икки нав бўлур ва иккови ҳам хатарликдур: бири муомала ва бири мусофирликдур. Муомала муқимларга (бир ерда истиқомат қилувчи) хосдурким, касод молларни фойда таъма била сотиб олурлар. Бундай мол хатарлидур ва бул ишда далир (юракли), пеш (илгари), бин (кўрувчи) киши керакдурким, касод матони суд (фойда) умиди била олғай. Демак, ҳар тариқа йўл била бозоргон ўзининг моли ва танига далир бўлмоғи, бебок (қўрқмас) бўлмаслиги, ўзининг нафи учун ўзгаларнинг зиёнин тиламаслиги керакдур. Зердаст (бировнинг қўли остидаги шахс) бўлғон киши била муомала қилғай, ўзидин улуғроқ одам билан муомала қилмағай. Ул шундоқ улуғ киши била муомала қилиши мумкинки, ул диёнатли ва мурувватли бўлғай, фирибгар кишидин қочғай. Матонинг яхши, ёмонин билмағон одам била муомала қилмағай ва моли оз одам била ҳам муомала қилмағай. Агар муомала қилса, фойдадин тамаъ қилмағай, токим иккининг орасидаги дўстлик вайрон бўлмағай.

Фойдадин умид этса, нася била муомала қилмағайким, оз суд кўп зиён келтурур.

Ушоқ (майда) нарсаларга назар солмағилки, паст назарлик улуғларга зарар еткарур. Бозоргонлик зарарининг асли — беҳуда харж қилмоқдур. Агар молдин суд қилсанг, суддан егил, то суд қилмағунча сармоядин емагил, нединким бозоргонликнинг катта зиёни сармоядин емакдур. Матонинг яхшиси улдурким, ботмон тош била олиниб, мисқол била сотилса. Аммо суд умиди била ғалла олмоқдин парҳез қилғил, нединким ғаллафуруш ҳамиша бадном ва бадният бўлур.

Диёнат камоли савдода ёлғон сўз айтмамакдур, нединким кофир ва мусулмоннинг орасида савдода ёлғон сўз айтмоқ кўп ёмон феълдур. Сотмағунча ҳеч молни қўлдин бермағил. Муомалада шарм қилмағилки, улуғлар дебдурлар, шармдин кўп умид ва орзулар ҳосил бўлмағусидур ва лекин кўп бемурувватлик ва беҳаёлик ҳам бўлма, бу фойда бермас. Дебдурларки, бозоргонликнинг асли тасарруф ва мурувватдур, нединким, булар молни омон сақламоққа сабаб бўлур.

Ҳикоят: Эшитибманким, бир кун бир бозоргон бир бўёқчининг дўконида юз тиллога мато савдо қилди ва савдодин сўнг унинг била бўёқчининг орасида ҳисоб қилурда бир танганинг устида хилоф воқеъ бўлди. Бўёқчи муҳташам киши эрди, деди: «Эй тожир (савдогар), сен бир танганинг устида эрта тонгдин пешинғача низо қилурсан, ўзга тожирлар бундоқ қилмас эрдилар».

Алқисса (тожир) кўп сўзлаб, қичқириб бўёқчининг бошин оғритди ва бўёқчи бирор тариқа йўл била бул ғавғодин қутулмоқ бўлди. Охири бўёқчи танг бўлиб, унга бир танга берди ва тожир тангани олиб кетди. Бир киши бу ҳолни кўрди ва тожирни кўп мазамат қилди.

Бўёқчининг шогирди тожирнинг изидин бориб, унга деди: «Эй тожир, менинг шогирдона ва ширинкомамни бергил». Тожир ҳалиги тангани унга берди ва ул тангани олиб қайтиб келди. Бўёқчи шогирдига деди: «Эй ҳаромзода, ул тожир эртандин то пешингача бир танга учун урушиб, халқдин ҳеч шарм қилмади, на таъма била унинг изидин бординг?» Шогирд тангани устодига кўргузди. Бўёқчи ҳайрон бўлиб ўзига дедики: «Субҳоноллоҳ, шу шогирд хушрўй эрмасдур ва бағоят ёшдур, бошқа бир ҳеч гумон ҳам йўқдур. Ул тожир бунча бахиллик била нечук бундоқ саховат қилди?» Бу сўздин сўнг тожирнинг изидин бориб деди: «Эй хўжа, мен бугун сендин кўп таажжуб иш кўрдим. Бир танга учун бутун жамоанинг орасида мунозара қилиб, менинг бошимни оғритиб, ул тангани олдинг. Ундин сўнг ул тангани шогирдимга ширинкома учун бердинг. Менинг бошимни оғритмоғинг надин эрди?». Тожир деди: «Бу ишга таажжуб кўргузмағил. Мен бир бозоргон кишидурман. Бозоргонликнинг шарти шундоқдурки, савдо вақтида агар киши бир дирам зиён қилса, гўё умрининг ярми кетгондек бўлғусидур. Мурувват вақтида агар кишидин бемурувватлик зоҳир бўлса, ўз аслининг нопоклиғига далилдур. Демак, мен умримни кам қилғудек зиён этмадим ва аслимнинг поклиғига гувоҳлик ҳам бердим».

Бозоргоннинг сармояси оз бўлса, ўзгаларга баҳс қилиб улуғ ишларга аралашмасун. Ўз ҳолига лойиқ мато олсун ва унинг била ўз бахтин имтиҳон қилсун. Бундай пайтда агар зиён қилса ҳам, сармоядин ортиқ зиён булмағусидур.

Агар бир киши, фалон жойга еткургил деб нома топширса, бурун номани ўқиб кўрсин, ундин сўнг олиб кетсин, нединким чирмаб топширилғон номада кўп балолар бўлғусидур ва нечук ҳол бўларин билиб бўлмағусидур. Ҳар бир одам нома топширса, бурун очиб ўқимоқ керакдур. Чунки бозоргон ҳар шаҳаргаким борса, ёмон хабар тарқатмасин, ҳатто таъзият, мотамли хабарни ҳам еткурмасун, шодлик хабарин айтурда нуқсон қилмасин. Йўлдошсиз ҳеч йўлга қадам урмасин ва тажрибакор ҳамроҳ талаб қилсин. Манзилга етгонда кўп карвоннинг орасиға тушсин ва молларин кўп одамнинг ўртасига қўйсин. Агар пиёда бўлса, отлиқлар била ҳамроҳ бўлиб юрмасин, бегона кишидин йўл сўрамасин. Агар яхши одам эканин билса, сўрсун, нединким кўп нопок одамлар бўлурки, йўлни нотўғри кўрсатурлар. Ҳар кишиким йўлда йўлиқса, очиқ юзлик била салом берсин, ўзини мустар, ғамнок қилиб кўргузмасин. Озуқсиз йўлга кирмасин ва ёзда қиш либосин олмай юрмасин.

Гарчи йўл бехатар бўлса ҳам, бадрақа (йўл бошловчи) ва раҳдор (йўл соқчиси)ни хушнуд қилсин. Бориб бир жойга тушгонда, амин (тўғри кўнгил) ва диёнатлик одамнинг уйиға тушсин. Уч тоифа била суҳбат тутсин: бири жувонмарди иёр киши била; бири мурувватлик одам била; бири йўл биладурғон ва ўзгаларнинг ҳақин ҳимоя қилатурғон киши била. Молини осойиш ва фароғат вақтида исроф қилмасин, токи бир вақт келиб зарур бўлса, ранж чекмасин. Ҳар ишни қила олса, ўзи қилсин ва бошқа кишига буюрмасинки, фирибгар кишилар кўп бўлур. Аммо ростлик ва диёнатликни бозоргонликка сармоя деб билсин. Олмоқ ва сотмоқда чаққон бўлсин, кўп олиб, кўп сотсин. Қила олса, кишига насия қилмасин. Ҳар кимга насия мато бермасин. Агар насия қилса, бир неча одамлар била қилмасин: андоққим, матоси оз одам била, янги бой бўлғон одам била, сайид била, ёқи бола била, қозининг вакиллари, шаҳарнинг муфтилари ва ходимлари била. Ҳар одам бу тоифалар била насия муомала қилса, ҳаргиз пушаймонликдин ва дардисарликдин қутулмоғусидур. Имтиҳон қилмағон одамдин бехатар бўлмасин, имтиҳон қилғон одамни ҳали имтиҳон қилинмағон одамдин илгари тутмасин, нединким, умрида бир имтиҳон қилинмоғон одамнинг қўлига тушгусидур. Масалда бордурки, имтиҳон қилинғон дев, имтиҳон қилинғон бўри имтиҳон этилмағон одамдин яхшидур.

Кишини киши орқали имтиҳон қил, ундин сўнг ўзинг имтиҳон қилиб кўр, нединким бир одам бировга мувофиқ бўлмаса, бошқа бировга мувофиқ бўлиши мумкин. Аммо ҳар кишини текшириб кўриб, ишда имтиҳон қилғил, тўғридан-тўғри имтиҳонга ўтмағил ва сўзиға ишониб қўймағил. Нақд чумчуқни насия товусдан афзал бил.

Сафар қилсанг, дарё йўлининг ўн беш тилло фойдасидин қуруқлик йўлининг ўн тилло фойдасини илгари тутғил. Қуруқ йўлда агар хатар етса, моллашар ва зиёни бошдан ўтар. Оз фойда учун барча сармояни барбод бермағил. Қуруқ йўлда агар хатар етса молга етади, аммо жон қолади. Молнинг иложи бўлур, дарёда эса ҳам молга, ҳам жонга зиён ва зарар етар. Дунёнинг ишини подшоҳнинг ишиға ўхшатибдурлар: оз-оздин келур ва бирдин кетур, лекин таажжибот осорин (ажойиботларни) кўрмоқ учун бир мартаба кемага минсанг, раводур. Баҳо қўймасдан олмоқ ва сотмоқ қилмағил.

Савдо жадалида ишни ўзгаларнинг қўлига бермағил. Ўзингнинг суд ва зиёнларингни ҳамиша ўзинг ҳисоб қилғил, нединким ҳисоб қилмоқ ва на чоғлик суд ва зиён бўлғонин билмоқ бозоргон учун кўп фойдали ишдур. Ҳамма вақт оз ва кўп фойдани, оз ва кўп зиённи фикр эт ва мутолаа қил, токи суд ва зиёнингдин ғофил қолмағайсан. Кишига хиёнат қилмоқдин қочғилки, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилғонидур.

Ҳикоят: Шундоқ эшитдимки, бир кишининг қўйлари бағоят кўп эрди. Унинг бир порсо ва диёнатлик чўпони бор эрди. У ҳар куни қўйларни соғиб, ҳар на ҳосил бўлғон сутни қўй эгасининг олдига келтирур эрди. Қўй эгаси ул сутга ярим ҳисса сув қўшиб, чўпонга сотғил деб берур эрди. Чўпон унга бундоқ насиҳат берур эрди: «Эй хўжа, мусулмонларга хиёнат қилмағилки, ўзингга зарар еткарурсан». Ул киши чўпоннинг насиҳатини эшитмади ва ул ишни қилур эрди.

Бир кеча баҳор вақтида чўпон қўйларни осойиш учун бир сел оқадиғон паст жойга ҳайдаб ва ўзи баланд жойга чиқиб ухлаб бормиш эрди. Иттифоқо кўп ёмғир ёғиб, сел оқиб келиб қўйларни оқизиб кетди ва барча қўйлар ҳалок бўлди. Шаҳрга чўпон шаҳарга келди. Қўй эгаси унга деди: «Бугун нима учун сут келтурмадинг?» Чўпон деди: «Эй хўжа, мен сенга неча бор: «Сутга сув қўшмағил, охирини ўйлағил», — дедим. Лекин менинг сўзимни ҳаргиз эшитмадинг. Охири сутга қўшғон сувларинг ҳаммаси йиғилиб, ўтган кеча бир сел бўлиб шундай оқдики, ҳамма қўйларни оқизиб кетди».

Бас, эй фарзанд, диёнатдин қочғилки, ҳар киши бир мартаба диёнат қилса, унга ҳеч одам асло эътимод қилмас. Ростликни пеша қилки, норостлик улуғ қароқчиликдур. Олмоқ ва сотмоқда мулойим бўлғил ва кишига ваъда қилмағил, агар ваъда қилсанг, ҳилоф этмағил. Олғувчи одамга ёлғон сўз демағил ва агар сўз десанг, рост сўзни айтғил... Муомалада олмоқ ва бермоқ ҳужжатиға огоҳ бўлғил, ҳужжат бермоқ тиласанг, токи аввал ҳақни қўлга олмағунча ҳужжатни қўлдин бермағил.

Ҳар жойга борсанг, ошно талаб қил. Билмағон киши, жоҳил ва нопоклар била сафар қилмағилки, дебдурлар: аввал рафиқ, кейин йўл.

Ҳар на олмоқ тиласанг, кўрмай, кўргузмай олмағил. Ҳар на сотмоқ тиласанг, бурунги нархидин огоҳ бўлғил ҳамда шарт ва паймон била сотғилки, охирида дардисарликдин қутулғайсан. Ҳукмронлик йўлини илгари тутғилки, улуғларга улуғроқ иш — уй асбобин тузатмоқ ва керак нарсаларни олмоқдур. Аммо бирор нарса олмоқ тиласанг қутлуғ (яхши) вақтда олғил. Ҳар турли керак нарсалардин бир йилга етадиғон қилиб икки ҳисса олғил. Ундан кейин нархдан хабардор бўлғил. Нарх оғир бўлғон чоғда ул олғон нарсангнинг ярмини сотғил, токи бир йилга етадиғон озуқинг муфт (текин) бўлғай. Бу ишдин ҳеч гуноҳ, бадномлик бўлмағусидур ва ҳеч одам бу бобда сени бахил одам деб ўйламас, нединким бу иш кадхудолик зарурати жумласидандур ва бахиллиқдин эрмасдур, бу ишда ҳеч айб йўқдур. Кадхудоликка зарар етмасин десанг, шундай тадбир қилғилки, дахлинг харжингдин зиёда бўлсин, токи кадхудолиғингга халал етмасин. Агар дахлингни зиёда қилмоқ тариқин билмасанг, дахлингдан зиёда харж этмакни тарк этғил.

Агар бозоргонлик пешаси сенга насиб бўлмаса, шарофатлиғ илм ўрганмоқ ва ундан шуҳрат қозонмоқ тиласанг, тиб илмидан судмандроқ (фойдалироқ) илм йўқдур...

Қутлайманиз!

ҲУРМАТЛИ МУБОРАК АЗИМОВА!

Қутлуғ 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан мактаб жамоаси Сизни чин юракдан табриклайди. Сиз 31 йиллик фаолиятингиз давомида юзлаб ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга ўз ҳиссангизни қўшдингиз ва 8 нафар фарзандни вояга етказдингиз. Ушбу табаррук ёшингизда Сизга бахт-саодат ва узоқ умр тилаймиз.

Наманган вилояти Поп ноҳиясидаги Ғафур Ғулом номли 35-ўрта мактаб жамоаси ҳамда мактаб касаба уюшмаси.

ШЕЪРХОНЛИК ТАНЛОВИ

Бухоро шаҳридаги 24-ўрта махсус мактаб-интернатда шеърхонлик танлови ўтказилди. Мазкур тадбир асосан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланди. Ҳакамлар ҳайъати М. Мингноров ва Ў. Назаровларни танловнинг биринчи даражали ғолиблари деб топди.

Танлов ғолиблари мактаб-интернат маъмурияти ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ҳ. АКБАРОВ.

ЧИПТА ЯМОҚ

ёки Урганч шаҳридаги Усмон Юсупов номли 2-мактабдаги машмашалар

...Ғам билан битилган аламли мазкур хат Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги Усмон Юсупов номли мактаб жамоаси бир гуруҳ аъзолари номидан. Уни ўқиб чиқиб, илова қилинган расмий ҳужжатлар билан танишар эканман, гўё табиат барпо этган мўъжизавий гиламга тушган чипта ямоқ кўз олдимда намоён бўлди.

Мактаб раҳбарияти, жамоанинг айрим аъзолари билан шаҳар халқ таълими бўлими вакили Ж. Эржонов иштирокида суҳбатлар ўтказдим. Улардан тушунтириш хатлари олдим, расмий ҳужжатларни синчиклаб ўргандим.

Гулпошша Солаева тузуккина рус тили ўқитувчиси бўлса-да, ўзбек тилини яхши билади. 20 йил давомида шу мактабда ишлади, сўзлари ўткир аёл. Қолаверса, 1987 йили жамоа уни директорликка номзод қилиб кўрсатган экан. Илмий бўлим мудираси. Биринчи даражали муаллима. Айниқса, Гулпошшанинг шаддодлиги, тўғри сўзлиги янги директор Т. Расуловга ёқмаган бўлса, ажаб эмас.

Г. Солаева муаллима Т. Тожиева, З. Олламуродова сингариларнинг дарсга келмаётганликлари ва дарс ўтмай пул олаётганликларидан норози бўлиб, бу ҳақда директорга очиқ айтган. Бу негадир директорга ёқмаган. Худди шунингдек, талабчанлиги туфайли илмий бўлим мудираси Г. Солаева ҳам «ғаним»лардан ҳоли эмасди. Устига-устак кимлардир «Г. Солаева директор бўлар эмиш» деган миш-миш тарқатишди.

Г. Солаева сўзи: «Мен иш юзасидан айрим ўқитувчиларга танбеҳ берган пайтларимда, у (Т. Расулов — А. А.) мени қўллаш у ёқда турсин, шу одамларни менга қарши қурол сифатида фойдаланди. Лекин мен соғлом муҳит, тўғрисўзлик учун курашдим. Расулов эса атрофига 15 кун ишламай йўқолиб кетадиган носоғлом кишиларни тўплаб... жамоада носоғлом муҳитни вужудга келтирди. Мен шундай одам билан ишлашни ўзимга ҳақорат деб тушундим. Натижада 1991 йил 2-сентябрда Бобур номли мактабга директор ўринбосари лавозимига ўтиб кетдим...».

Директор иккинчи илмий бўлим мудири — Раҳим Ҳожиметовни бўшатиш йўлларини излай бошлади. Р. Ҳожиметов моҳир муаллим, мактаб жамоаси ҳурматини қозонган. Еши олтмишга яқинлашиб қолган, хушфеъл, ширинсухан инсон экан. У қанча қийинчилик бўлмасин, ўзини босишга, нифоқ ва низонинг олдини олишга ҳаракат қилган. Бироқ ғурури йўл қўймади, шекилли, ишдан кетиш тўғрисида ариза бермади. Чидади.

Т. Расулов уни бўшатишга кучи етмаслиги ва ҳуқуқи йўқлигини тушунди. Бу гал шаҳар халқ таълими бўлими мудири Озод Абдуллаев ёрдамга келди. Мактаб илмий бўлими мудири О. Абдуллаевнинг 1990 йил 31-август буйруғига биноан лавозимидан четлатилди.

Р. Ҳожиметов шаҳар фирқа қўмитаси ва вилоят халқ таълими бошқармасига ишдан қонунсиз бўшатилгани ва ишга қайта тиклашни сўраб мурожаат қилди. Лекин унинг арзи-додини ҳеч ким тингламагач, шаҳар халқ судига ариза беришга мажбур бўлди. Унинг ишдан олинишидан норози бўлган жамоа вакиллари, хусусан, немис тили ўқитувчиси Ж. Мадраҳимов, иқтидорли бастакор ва мусиқа муаллими С. Нурметов ва бошқалар суд мажлисига бориб, Р. Ҳожиметовни ҳимоя қилишган. Хуллас, шаҳар халқ таълими бўлими мудири О. Абдуллаев ўз буйруғини саккиз ойдан кейин бекор қилишга мажбур бўлди. Бироқ жабрланувчига фақат уч ойлик ўртача иш ҳақи тўланган.

Юқорида Ж. Мадраҳимов, С. Нурметов, М. Қурбонов каби муаллимларнинг судда Р. Ҳожиметовни ҳимоя қилганликлари тўғрисида гапиргандик. Бу уларнинг директор Т. Расулов ва халқ таълими бўлими мудири О. Абдуллаевларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларига қарши чиқиши эди.

Директор 1991 йил май ойида Ж. Мадраҳимовдан мактабга темир панжара олиб келиш учун 1935 сўм пул беради. Муаллим 43 квадрат метр панжара учун «Облрембиттехника» ташкилоти хазинасига 1935 сўм пул тўлагани ва 25 майгача буюртма бажарилиши ҳақидаги 381391-номерли квитанцияни директорга келтириб берган. У бу топшириқни бажармаслиги ҳам мумкин эди. Чунки хўжалик ишлари хизматчиси эмасди. Жуманиёз ака одамийлик қилган. Ж. Мадраҳимовнинг таъкидлашича, хизматга туҳмат деганларидек, Т. Расулов жамоа мажлисларидан бирида уни темир панжарани олиб келмаганликда ва 1935 сўм пулни ўзлаштирганликда айблаган, обрўсизлантирган.

Иззат-нафси топталган, туҳматга учраб хўрланган Ж. Мадраҳимов ва С. Нурметов, М. Қурбонов сингари адолатли ходимлар мактабдаги талон-тарожлар, турли қонунбузарликларни фош қилишди. Тегишли ташкилотларга хатлар ёзишди. Мактабга комиссия устига комиссия келди.

Т. Расулов билан бўлган суҳбатда у ўзини оппоқ, адолатли, қўй оғзидан чўп олмаган ювош одам қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳатто айрим муаллимлар ҳам уни мақтаб кўкларга кўтаришди. Далиллар бу мақтовларни бутунлай рад этади. Чунончи:

Зарипов Равшан 1991 йилнинг 1-мартида 271-сонли буйруқ билан мактаб қоравули қилиб ишга қабул қилинган. 1991 йил 1-июлда эса 280-сонли буйруққа асосан ишдан бўшатилган. Аслида Р. Зарипов шу вазифада бир кун ҳам ишламаган.

Тойлиев Комил 1991 йил 1-майдан мактаб МОП ишчиси сифатида 0,75 ставкага 1991 йил 13-майдаги 275-сонли буйруқ билан расмийлаштирилган. Шу йил 1-июлдаги 281-сонли буйруққа биноан у ишдан четлаштирилган. Аслида К. Тойлиев бошқа корхонада тўлиқ штатда ишлаган, тўлиқ маош ва 60 сўм компенсация олиб турган. Расулов ҳам давлат хазинаси ҳисобидан (шахсий чўнтагидан эмас, албатта,) сахийлик қилиб, ҳар ойда 60 сўм компенсация берган.

Шунингдек, Наргиза Оллоберганова 1989 йили Урганч шаҳар педагогика билим юртини тамомлаб, шу даргоҳга ишга келди. Т. Расулов уни 1990 йил октябрь ойидан бошлаб. мусиқа ўқитувчиси қилиб ишга тайинлади. Директорга бошланғич синф ўқитувчиси бўлди нима-ю, мусиқа муаллими бўлди нима? Н. Оллоберганова ишга ва маош билан таъминланса бўлди-да. Асакаси кетармиди? Давлатнинг кўкка соврилган пулларини бир чеккага суриб турайлик. Лекин ёш авлоднинг нафосат ва мусиқа таълимию, тарбиясидан бебаҳра қолгани учун ким жавоб беради?

Юқоридаги далилларни текшириш натижалари тўғрисида Урганч шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи А. М. Машариповнинг шаҳар халқ таълими бўлими мудири О. Абдуллаевга 22.07.91 йилда ёзган З/Коп—22-сонли алоқа хатида шундай дейилади: «...далилларни атрофлича текшириш давомида Урганч шаҳар Усмон Юсупов номли 2-сонли мактаб директори Расулов Тоҳирнинг ҳаракатларида давлат мулкини талон-тарож қилиш... факти ва бошқа жиноий ҳаракатлар, борлиги аниқланди».

Шунингдек, Расуловнинг юқорида зикр қилинган салбий ҳатти-ҳаракатлари вилоят молиявий ишлар бошқармаси тафтишчиси Б. Ибодуллаев, шу мактаб ўқитувчиси Ж. Мадраҳимовлар томонидан директор Т. Расулов иштирокида 16.10.91 йилда тузилган маълумотномада ҳам аниқ кўрсатилган. Қолаверса, Урганч шаҳар халқ назорати қўмитаси раиси К. Жуматовнинг 15.11.91. йилда ўқитувчи Ж. Мадраҳимовга йўллаган 126—П-сонли алоқа хатида «Кўрсатилган далиллар асосан тасдиқланди», дейилган.

Мактабнинг тарих ўқитувчиси Тожигул Тожиева эса суҳбат жараёнида Ж. Мадраҳимов, С. Нурметов. М. Қурбонов Р. Ҳожиметовлар ёзган хатларда келтирилган далилларнинг бирортаси ҳам тасдиқланмагани ҳақида гапириб, уларни туҳматчи сифатида қоралади.

Демак, Т. Тожиева Ж. Мадраҳимов, С. Нурметов каби ҳамкасблари ёзган хатларда келтирилган далилларни «умуман тасдиқланмади» деб, маъмурий органлар ва мутасадди ташкилотларнинг қонуний хулосаларини рад этишга уринди.

Мактаб касаба уюшмаси қўмитаси раисаси Р. Зокированинг директор Т. Расуловга берган тафсифномасида «у иш фаолиятида бир қанча ютуқларга эришди. Директор талабчан, ишбилармон», деб таърифлади.

Бу таърифни ўқиб, ёқа ушладик. Ғайриқонуний ишдан олинган Р. Ҳожиметовнинг ҳақ-ҳуқуқини касаба уюшмаси ҳимоя қилиши лозим эди-ку. Мактабдаги талон-тарож қилиш иллатларини нега касаба уюшмаси эмас, балки ички ишлар бўлими, халқ назорати қўмитаси фош қилди? Нима учун мактабдаги ножўя ҳатти-ҳаракатларни билса ҳам билмаганга, кўрса ҳам кўрмаганга олиб панада турди?

Мактабдаги ноҳуш воқеаларни элакдан ўтказиш жараёнида яна муҳим далиллар аниқланди. Бу 57 имзо билан мактаб хотин — қиз муаллимларининг шаҳар халқ таълими бўлимига ёзган талабномасидир. Унда Ж. Мадраҳимовга «туҳматчи» деган тамға босилиб, «...уларнинг (Ж. Мадраҳимов, С. Нурметов, Р. Ҳожиметов, М. Қурбонов демоқчи — А. А.) мактабдаги ҳар хил миш-мишлар, мактаб директорини яқин кунлардан бошлаб ҳақорат қилувчи сўзларни коридорга ёзиб кетишларини уюштираётгани маълум бўлиб, дарсдан кейин мактаб коридорига ифлос нарсалар сочилиб (?) кетаётганликларига гувоҳ бўлмоқдамиз», «...бу туҳматчи ёзувчиларга (?) нисбатан чора кўриб, коллективимиздан четлаштиришингизни талаб қиламиз», дейилган.

Мактаб жамоаси билан бўлган суҳбатда бу гапларни бирор киши исботлай олмади, гувоҳлар ҳам топилмади. Кейин шу талабномани ким ёзгани ҳақида қизиқдик. Ҳеч ким лом-мим демади. Аслида бу хат мактаб ўқувчисига ёздирилган. Бизда шу ўқувчининг «Тожиева Тожигул опа бир талабномани кўчириб беришни илтимос қилди. Мен 3 соат давомида шуни кўчириб бердим», деган тушунтириш хати мавжуд. Ўқувчининг исми-шарифи ва синфини сир тутяпмиз. Хўш, нега ўқитувчилар ўртасидаги гап-сўзларни ўқувчиларга ошкор қилиш керак бўлиб қолди экан?!

Мактаб директори Т. Расуловдан бу талабнома хусусида сўрасак, у «мен бехабарман», деб елка қисди. Хат ёзилиб, унга қаватма-қават, синфма-синф юриб имзо йиғилар экан-у, директор бехабар бўлар эмиш?!

Урганч шаҳар халқ таълими бўлимида Т. Расулов сирлари фош қилинган хатларга эътибор беришмади. Бироқ тўғри сўз, адолатли ўқитувчилар қораланган талабнома асосида дарҳол мажлис ўтказилди. 1991 йил 16-октябрда ўтказилган мажлисга шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Комил Худойберганов раислик қилган, котиба — Едгора Иброҳимова. Мажлис протоколининг қарор қисмини ўқиб, К. Худойбергановга ачиндик.

Ҳурматли муштарийлар, қарорнинг 4- ва 6-қисмларини ўзингиз ўқиб кўринг:

«4. Туҳмат хати ташкилотчилари Ж. Мадраҳимов. С. Нурметов, ва Р. Ҳожиметовларнинг ишлаб турган лавозимларида қолиши — шундай хатлар ёзишни қатъиян (?) тўхтатишларига (?), Расуловнинг директорлик ишини давом қилдириш шартига боғлиқ (?) деб топилсин...

6. Агар туҳматчилар, яна бир марта ёзишмани давом қилса(?), ҳеч қандай мажлис чақирилмасдан ўша тўрт нафар муаллим: 1. Ҳожиметов Р. 2. Мадраҳимов Ж. 3. Қурбонов К. 4. Нурметов С.лар бошқа мактабга ўтказиб юборилсин».

К. Худойбергановга ўша тўрт нафар зиёкорга туҳматчи дейишга ким ҳуқуқ берган? Қолаверса, фуқароларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини, танқидий мушоҳадаларини, шикоят хатларини ёзишни ман қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. К. Худойберганов нима мақсадда мактаб мажлисига раислик қилди экан? Жамоани ўша тўрт нафар ўқитувчига қарши қўйиш учунми? Билакс, наҳотки, жамоадан раислик қилувчи бирор киши топилмади? Бизнингча, зикр қилинган мажлис эркин фикр алмашиш, дўстона гаплашиш эмас, балки зўравонлик руҳида ўтганлиги шундоқ кўриниб турибди.

Урганч шаҳар халқ таълими бўлими Усмон Юсупов номли мактаб ва унинг директори атрофидаги машмашалар таҳлили натижасида яна бир муҳим ва мантиқий савол туғилади. Нима учун Урганч шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарияти Ж. Мадраҳимов, С. Нурметов, М. Қурбонов, Р. Ҳожиметовларнинг асосли, тегишли орган ва ташкилотлар томонидан атрофлича текширилиб тасдиқланган далилларига асосланган хатларига лоқайд қараб, айрим шахсларнинг ўша адолатли муаллимлар устидан ёзилган талабномасига асосий диққатни қаратди ва фуқаролик ҳуқуқларини оёқ-ости қилишга киришди?

Қаерда адолатсизлик авжига чиқса, ўша жойда ёзишма кучаяди. Ўйлаймизки, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг тадбиркор, сермулоҳаза раҳбарлари Урганч шаҳар халқ таълими бўлими ва Усмон Юсупов номли мактабдаги машмашалар ҳақида адолатли фикрга келадилар ва ўзлари нуқта қўядилар.

Ашур Али АҲМАД ўғли.
Махсус мухбиримиз.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

кафедралар бўйича бўш қолган лавозим ўринларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПРОФЕССОР:

— биология кафедрасига.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

— ўзбек тили кафедрасига;

— физика кафедрасига.

ЎҚИТУВЧИЛАР:

— психология кафедрасига;

— педагогика кафедрасига;

— эски ўзбек ёзуви кафедрасига;

— рус ва чет эл адабиёти кафедрасига;

— математика кафедрасига (2 нафар);

— жисмоний тарбия кафедрасига;

— мусиқа тарбияси кафедрасига.

РАСМ ВА МЕҲНАТ ЎҚИТУВЧИСИ.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Навоий шаҳри, ибн Сино кўчаси, 45-уй.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12